

ФАЛСАФАДА ИНДИВИД ВА ШАХС МУАММОСИ

Туратов Ш. – ЖизПИ
ўқитувчиси

Тангиров Н.А. - ЖДПИ
Фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ
таълим кафедраси в.б. доценти,
ф.д. (PhD),

АННОТАЦИЯ

Мақолада бугун фалсафа ва куплаб фанларда диққат этибор инсон ўзига хос индивид ва унинг шахсига қаратилаётгани, бугун инсонга хусусият алохида ўрганиш зарурлиги ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шу билан бирга инсонинг маънавий камолати масаласига ҳам эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Ижтимоий фанлар, индивид ва шахс тушунчалари, антропологик Лев Толстой “Иқрорнома” Гегель фалсафаси ички-ботиний ҳақиқати, обектив ҳақиқатни Экзистенциализм Ф.Достоевский ўзининг “Маъсума” индивид ва шахс моҳияти фақат онг руҳият-ибтидо

Ижтимоий фанлар тизимида индивид ва шахс тушунчаларига оид антропологик ёндашувлар хилма-хиллиги билан аҳамиятли. Зеро, ҳар қандай билимлар тизими мушоҳадалар ва бахслар асосида тараққий топади. Бунда эса, айрим тушунчаларга аниқлик киритишга, унинг мазмун-моҳиятини ёритишга ҳаракат қилинади. Шундай экан, фикр тараққиёти бу ривожланишнинг бир кўриниши десак муболаға бўлмайди.

Лев Толстой ўзининг “Иқрорнома” асарида Гегель фалсафасини ривожлантирган ҳолда “... Аммо шу қадар беҳуда ишларни қилиб туриб, ўзимизни жуда керакли, улкан одамлар деб комил ишонч билан ҳисобламоғимиз учун, бизнинг фаолиятимизни оқлайдиган, унга бирор маъно ато этадиган мулоҳаза ҳам керак эди. Шу сабабдан биз қуйидаги гапларни тўқиб чиқардик: мавжуд нарсани бор, уларнинг ҳаммаси ақлга мувофиқдир. Нимаки мавжуд бўлса, уларнинг ҳаммаси ақлга мувофиқдир. Нимаки мавжуд бўлса, уларнинг ҳаммаси ривож топади”¹.

Фалсафада инсоннинг ички-ботиний ҳақиқати масаласи қадимдан то шу бугунги кунгача қўйиб келинди. Хўш шундай экан, инсон бўлиб яралган шу мавжудотнинг моҳияти мавжудми? Хўш мавжуд бўлса, у қандай кўринишда

¹ Толстой Лев. Иқрорнома. Т.: “Маънавият”, 2008, 17-бет.

намоён бўлади? Инсон ҳақиқати унинг комиллигида ёки унинг шахс сифатидаги кўринишида? Мана шундай саволлар обектив ҳақиқатни топишимизга йўналтирадигандай туюлади, лекин шу савол қаршисидаги озгина бўлса, бизнинг довдираб жавоб топишга уринишимиз, табиий. Зеро инсон ўз дунёсини тўла англаб етиши мумкин эмас. Шундай экан, бизнинг бундай жавобсиз саволларни қўйишимиз ҳам мантиқсиз бўлиб кўринади. Лекин, шундай бўлса ҳам, бир озгина бўлса ҳам жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрамиз. Инсоннинг моҳиятини белгиловчи айрим тушунчалар доирасида фикр юритмоқчимиз. Бу инсоннинг индивид ва шахс сифатидаги кўринишлари деб оламиз. Экзистенциализм намоёндалари инсон шахсининг руҳий тушкунлик фалсафасини ёритиб беришга уринишган. Бадиий адабиётда Ф.Достоевский ўзининг “Маъсума” қиссасида собиқ офицер ва унинг умр йўлдоши ўртасидаги муносабатларда ҳаётнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга уринади. Шахсининг руҳий бегоналашуви жамият ва ўзи билан боғлиқлигини кўрсатиб беради. Шундай экан, индивид ва шахс моҳияти фақат онг билан боғлиқ жараён бўлмай, қандайдир руҳият-ибтидо билан боғлиқдай бўлиб кўринаверади.

Аниқ ва ижтимоий фанлар тизимида Индивид ва шахс тушунчасига оид қарашлар қизғин баҳс мунозарага сабаб бўлган. Табиётшунос олимлар нуқтаи назарида, индивид биологик мавжудот ҳисобланади. Инсон дунёга индивид сифатида келади. Индивид деганда биз одамнинг инсонлик жинсига мансублигини тушунамиз. Индивидга янги туғилган чақалоқ ҳам, катта ёшдагилар ҳам, тил ва оддий малакаларни эгаллай олмайдиган телбалар ҳам киради.² Инсон боласининг мустақил фикрлаш, ишлаш ва яшаш малакасига эга бўлган баркамол шахс даражасига кўтарилиши жараёнини янада тиниқроқ тасаввур этмоқ, бундай мураккаб биосоциал жараённи таҳлил этишда аниқ методологик асосга эга бўлмоқ учун, энг аввало, индивид, индивидуаллик ва шахс ўртасидаги ўзаро алоқадорлик механизмини билиб олишимиз зарур.

Ҳозирги замон илмий-фалсафий адабиётларда «индивид» тушунчаси турли маъноларда, хусусан, яқка кишининг ўзига хос хусусиятларини ифодалаш учун ишлатилмоқда. Лекин, индивид – «бир дона» ёки «бир нусха» деган маънони билдирмайди, балки «улардан бири» деган маънода қўлланилади. Индивид одамлар

² Зуфарова М.Э. Умумий психология. Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти”, 2010, 54- бет.

³ Қар.: Чориев А. Инсон фалсафаси II. Мустақил шахс. Т.: “Chinor ENK”, 2002.

гурухи жамоаси орасидаги ўзининг бетакрор хусусиятларига эга бўлган айрим кишидир.⁴

Худди шунинг учун ҳам “индивид” тушунчаси ўзида кишиларнинг маълум ижтимоий гурухи, табақасининг бирини иккинчисидан ажратиб турувчи хусусиятларини кўрсатиш, ўша ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос хусусиятларини унинг айрим, якка вакилида қай даражада ўз ифодасини топганлигини фарқиға бориш мақсадида ишлатилади.

Индивид (лат. Individuum - бўлинмас) тушунчаси дастлаб Цицерон томонидан ишлатилган. Дастлаб бунинг маъноси латинчадан грекчага таржимасида атом тушунчасини ифодалаган. Дунёнинг ягона асоси яхлитлик ва массани ифодалаган; алоҳида тирик жон, ҳар бир зот, алоҳида инсоннинг жамоа, ижтимоий гуруҳ, жамиятдаги тафовути ва ўзига хослигидир. Шу ўринда индивид индивидуализм тушунчаси билан синоним маънода ҳам қўлланилади.⁵

Шахс эса, соф ижтимоий ҳодисадир. Бундай қараш бирёқлама қараш деб ҳисоблайман. Бунда ўзаро ички боғлиқ жиҳатларни кўрсатиш, аниқлаш назарда тутилмаган. “Индивид” тушунчаси ёрдамида инсоннинг шахс даражасига кўтарилиши зарур бўлган объектив шарт шароитлар ва субъектив омилларнинг, айниқса ижтимоий муҳитнинг кўрсатган таъсирини ҳам аниқ тасаввур этиш мумкин. Ижтимоий муҳитнинг мавжудлиги ҳам индивиднинг шахс бўлиб шаклланиши учун ҳам асосий шарт бўлмайди. Чунки, инсоннинг ижтимоий қиёфаси кишининг ўзига хос индивидуал хусусиятлар, уни вужудга келтирган табиий-ирсий омилларга боғлиқ бўлмайди. Инсоннинг индивидуал хислатлари, хосиятлари ижтимоий муҳит таъсирида ўзгариб туради. Худди шунинг учун ҳам индивиднинг шахс даражасига кўтарилиши жараёнини индивид тушунчаси билан тўла тушинтириб бўлмайди.⁶ Балки, индивид тушунчасига яқинроқ бўлган “индивидуаллик” тушунчаси ёрдамида бажарилади. “Индивидуаллик” тушунчасига маънодош сифатида “индивидуализм”ни “Фалсафа энциклопедик луғати”да — инсон индивидуал ҳаётининг алоҳидалигини таъкидловчи фалсафий ахлоқий тамойил⁷ сифатида талқин қилади. Инсондаги индивидуал хусусиятларнинг ривожланганлиги ундаги

⁴ Каримов И.А., Рустамова М. Фалсафа тарихи ва назарияси. Т.: “Фан”, 2007, 95- бет.

⁵ Философский энциклопедический словарь . 1983, с. 206.

⁶ Чориев А. Инсон фалсафаси II. Мустақил шахс. Т.: “Chinor ENK”, 2002, 98- бет.

⁷ Фалсафа энциклопедик луғати / ЎзР ФА, И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти. - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2010, 134- бет.

қобилият, кўникма ва малакаларнинг ривожлантиришдаги энг қудратли омил – унинг ўзлигини англаб етишидир.⁸

Инсоннинг мустақил шахс даражасига кўтарилиши индивидуаллик билан шахс ўртасидаги ўзаро алоқадорлик механизмининг мустаҳкамлиги, айниқса унинг онглилиги билан боғлиқ бўлади. Индивидуал онглилик кишининг ҳаётдаги мавқеини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам индивидуаллик “шахс” тушунчасининг қамров доирасига киради ва унинг таркибий қисмига киради.⁹ Бу эса, илмий-фалсафий адабиётларда кам тадқиқ этилган. Зеро, индивид ижтимоийлашув натижаси бўлса, индивидуаллик ва шахс эса, ундаги жисмоний имкониятлари билан руҳий –маънавий ҳолатлари, унинг профессионал малакаси ўртасидаги ўзаро алоқадорликни кўрсатиш учун ишлатилади.¹⁰

Индивид ўз биосоциал моҳияти билан яхлит бир системадир, унда онгсизлик ҳолати жараён сифатида ижтимоий ҳодисага айланади. Индивид онгида муайян бир ақидавий онг мутлоқлашади ва яхлит дунёқарашга айланади. Буни биз тарихдан кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Масалан, А.Гитлер ва Б.Муссолинонинг етакчилигидаги бутун бир миллат дунё жамоатчилигига реал қирон келтирганини кўришимиз мумкин. Яъни уларнинг “ҳақиқат” деб тан олинган ғояси асосида тарбияланган индивидлар яхлит йўналиш олди ва қатъий курашга отланди. Бу билан биз уларни онгсиз деёлмаймиз, балки онгсизлик ҳолатидаги индивидлар десак, тўғри бўлар эди. Шахс муайян тарихий шароитдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар жараёнида ўзи мансуб бўлган ижтимоий гуруҳ манфаатларини ифодалайдиган, буларни химоя қила оладиган, мустақил фикрлаш ва муайян вазиятда маъсулиятни ўз бўйнига олиб, мустақил қарорга кела оладиган индивиддир. Мустақил фикрлаш, мустақил қарорларга келиш муайян дунёқараш, унинг таъсирида қарор топган қадриятларни қадрлашни тақоза этади. Шунинг учун шахс қадриятлар орқали муайян дунёқарашни ташувчи, химоя қилувчи, қарор топтирувчи ижтимоий кучдир, бинобарин, у ўз дунёқараши асосида шаклланадиган имон-эътиқод эгаси ҳамдир.

⁸ Чориев А. Инсон фалсафаси II. Мустақил шахс. Т.: “Chinor ENK”, 2002, 98- бет.

⁹ Чориев А. Инсон фалсафаси II. Мустақил шахс. Т.: “Chinor ENK”, 2002, 98- бет.

¹⁰ Чориев А. Инсон фалсафаси II. Мустақил шахс. Т.: “Chinor ENK”, 2002, 98- бет.

Шундай экан, Ноосфера (Ақл соҳаси) даврида индивид ва шахс тушунчаларининг умумий ва хусусий жиҳатларини кўрсатиш жиддий аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. Зуфарова М.Э. Умумий психология. Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти”, 2010, 54- бет.
2. Қар.: Чориев А. Инсон фалсафаси II. Мустақил шахс. Т.: “Chinor ENK”, 2002.
3. Каримов И.А., Рустамова М. Фалсафа тарихи ва назарияси. Т.: “Фан”, 2007, 95- бет.
4. Философский энциклопедический словарь . 1983, с. 206.
5. Чориев А. Инсон фалсафаси II. Мустақил шахс. Т.: “Chinor ENK”, 2002, 98- бет.
6. Фалсафа энциклопедик лугати / ЎзР ФА, И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти. - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2010, 134- бет.